Haqsevar ona yurt, mangu bo`l obod!

TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil
23-sentyabr
CHORSHANBA
№ 77
(13938)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

ТИББИЁТДА КАТТА ТАЖРИБА



▼ Корея сафари таассуротлари

Инчон аэропортига қўнган самолётдан тушган заҳотиёқ кўзга ташланган биринчи манзара бу сариштa муҳит, аниқлик ва ҳаракатдаги тизимлилик бўлди. Бу ерда ҳар бир ҳаракатнинг ўз вақти, ҳар бир жараённинг ўз тартиби бордек. Аммо Тошкент вилоятидан келган делегация учун Кореянинг энг катта таассуроти замонавий бинолар ёки юксак технологиялар эмас, балки ана шу имкониятлар ортида турган инсон меҳнати, билим ва масъулияти бўлди.



Хабарингиз бор, 7-11 сентябрь кунлари Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Отабек Султонбеков бошчилигидаги делегация амалий ташриф билан Корея Республикасининг Кёнгидо провинциясида бўлди. Сафар мазкур провинция ҳукумати таклифи асосида «MedTech Academy» дастури доирасида ташкил этилди.

Бир неча кун давомида делегация аъзолари йирик шифохоналар, тиббий марказлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган клиникалар ҳамда тиббий ускуналар ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолияти билан танишишди.

Бир қарашда бу сафар шифохоналарни кўриш, тиббий ускуналар билан танишиш ва мутахассислар билан мулоқот қилишдан иборатдек. Аслида эса унинг мазмуни анча кенг, вилоят тиббиёти келажаги учун янги билим ва янги ҳамкорлик эшикларини очиш эди.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚОЗОҒИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВИЛОЯТИМИЗДА

Қозоғистон Республикасининг турли соҳа масъуллари ва ҳудуд раҳбарларидан иборат делегацияси камбағалликни қисқартириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини йўлга қўйиш борасида Тошкент вилояти тажрибасини ўрганиш мақсадида келишди.

▼ Тажриба

Ташриф давомида меҳмонлар Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳоли учун янги даромад манбаларини яратишга қаратилган лойиҳалар билан танишдилар.

Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида “Тинчлик” ва “Қорасув” маҳалладаги савдо-хизмат кўрсатиш, мебель ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш йўналишидаги лойиҳалар кўздан кечирилди.

Юқори Чирчиқ туманида эса “Yuqorichirchiq energy systems”, “Rosen park” каби корхоналар фаолияти, стол тенниси маркази ва 18-мактабдаги шароитлар ўрганилди.

Шунингдек, делегация Қибрай туманида жойлашган “Agro light business” МЧЖнинг агротуризм лойиҳаси ҳамда “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида қулупнай етиштириш йўлга қўйилган “Mirsobir-agro nihol” МЧЖ фаолияти билан ҳам танишдилар.

Жойлардаги ўрганишлар давомида маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари ва барқарор даромад манбаларини яратиш борасида икки томонлама фикр ва тажриба алмашилди.

Қозоғистон делегацияси вакиллари ҳам ўз ҳудудларида амалга оширилаётган илғор ёндашув ва амалий тажрибалар билан ўртоқлашиб, истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилдилар.



Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Viloyat bo‘ylab



PISKENT tumanining "Do‘stlik" mahallasi hududiga 18 km. ichimlik suvi tarmog‘i tortilgan bo‘lib, bugungi kunda viloyat suv ta’minoti korxonasi tomonidan 800 ga yaqin xonadonni suv hisoblagichlar va zaruriy xujjatlar bilan qamrab olish ishlari yakuniga yetkazildi.

Toshkent viloyati hokimligi hamda O‘zbekiston Milliy hamkorlik uyushmasi – «Turon xalqaro biznes klubi» hamkorligida «Turon Business Visit – 01» amaliy biznes tashrifi tashkil etildi. Unda Markaziy Osiyo davlatlari va O‘zbekistondan 50 nafarga yaqin tadbirkor ishtirok etib, CHIRCHIQ shahridagi yirik sanoat korxonalari faoliyati bilan tanishishdi hamda yangi hamkorlik imkoniyatlari muhokama qilindi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat siyosati va boshqaruvi akademiyasining "Kelajak liderlari" dasturida tahsil olayotgan 45 nafar tinglovchi NURAFSHON shahrida bo‘lishdi. Dastur doirasida tinglovchilar Toshkent viloyati “Vaziyatni tahlil qilish markazi”, Xalq qabulxonasi, Ijtimoiy himoya milliy agentligining viloyat boshqarmasi hamda “Nurafshon Business City” hududidagi “Cyber University” faoliyatini o‘rgandilar.

Toshkent viloyati hokimi o‘rinbosari Otabek Sultonbekov va viloyat Maktabgacha va maktab ta’limi boshqarmasi boshlig‘i Shukur Burxonov OLMALIQ shahri, ZANGIOTA va YANGIYO‘L tumanlaridagi ta’lim muassasalarida yaratilgan shart-sharoitlar bilan yaqindan tanishdilar. Tanishuv davomida maktabgacha ta’lim yoshidagi bolalarni qamrab olish darajasini oshirish, mavjud bo‘sh quvvatlardan samarali foydalanish hamda qo‘shimcha guruhlar va yangi nodavlat maktabgacha ta’lim muassasalarini tashkil etish masalalariga alohida e’tibor qaratildi.

Toshkent davlat agrar universiteti talabalari viloyatning OQQO‘RG‘ON va QUYI CHIRCHIQ tumanlaridagi “Global Textile” klasteri hamda “Saidabror Sulton Sayyid” ko‘p tarmoqli fermer xo‘jaligi paxta dalalarida bo‘lib o‘tgan amaliy mashg‘ulotlarda ishtirok etishdi. Talabalar paxta yetishtirish va hosilni yig‘ib-terib olish jarayonlarida qatnashib, zamonaviy qishloq xo‘jaligi texnikalaridan foydalanish, ularni boshqarish hamda mexanizatsiyalashgan ishlarni o‘rgandilar.

НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСИ

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, оилаларни оғир ижтимоий шароитдан чиқариб, муносиб турмуш даражасига эришишини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири. Бу борада давлат идоралари, маҳалла фаоллари билан бир қаторда ҳаётий тажрибаси ва бой маслаҳатлари билан эл-юртга суянч бўлиб келаётган нуронийларнинг ҳам ҳиссаси катта.

▼ Камбағалликдан фаровонлик сари



Хусусан, “Нуроний” жамғармаси Бўка тумани бўлими томонидан Президентимиз раислигида жорий йил 3 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

2

“Чолиқуши”нинг муҳаббатга ташналиги



Баъзи образлар бўладики, уларни актёр ижро этмайди – улар актёр билан бирга яшайди. Фериде ҳам шундай образлардан. Турк адабиётининг машҳур намояндаларидан Рашод Нури Гунтекин қаламига мансуб «Чолиқуши» романида яратилган бу қаҳрамон бир асрдан зиёд вақтдан буён турк аёлларининг эркинликка интилиши, жасорати ва нозик қалбини ўзида мужассам этиб келади. 1922 йилда ёзилган асар асосида яратилган сериалларнинг ҳар бири Феридега ўзгача ҳаёт бағишлади. 1966 йилги илк экранларда бу образни Тюркан Шорай ижро этган бўлса, 1986 йилдаги сериал эса Ойдан Шенер ва Кенан Калав ижросида миллионлаб томошабинлар қалбидан жой олди. Айниқса, Ойдан Шенер талқинидаги Фериде нафақат Туркия, балки бир қатор мамлакатларда ҳам машҳур бўлди. Фериде образи Ойдан Шенернинг санъат йўлидаги энг ёрқин саҳифаларидан бирига айланди. Орадан йиллар ўтса-да, унинг номи «Чолиқуши» билан ёнма-ён тилга олиниши бежиз эмас.

(Таниқли турк кино актрисаси Ойдан Шенер билан суҳбат тарзидаги мақолани газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз)

4

ТИББИЁТДА КАТТА ТАЖРИБА

Ташрифнинг биринчи куни Кёнгидо провинцияси Соғлиқни сақлаш департаменти Бош директори Ю Ён Чол билан расмий учрашув ўтказилди. Мулоқотда, аввало, Нурафшон шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт маркази учун кадрлар тайёрлаш масаласи муҳокама қилинди.

Маълумки, замонавий шифохона биноси, қимматбаҳо тиббий жиҳозлар ва илғор технологиялар ўз-ўзидан натижа бермайди. Уларни ишлата оладиган, беморга муносабат маданиятини яхши биладиган, доимо ўқиб-ўрганадиган мутахассис керак.

– Ташрифдан асосий мақсадимиз Кореянинг илғор тиббий тажрибасини ўрганиш, замонавий технологиялар ва тиббий хизматни ташкил этиш усуллари билан яқиндан танишиш, шунингдек, вилоятимиз тиббиёти учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш эди, – дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Феруза Раҳматуллаева. – Сафар давомида Сент-Винсент госпитали, Корея университетининг Ансан госпитали, Шихва тиббий маркази, тиббий ускуналарни қўллаб-қувватлаш ва ўқитиш маркази ҳамда REMED компанияси фаолиятини ўргандик. Бу муассасаларда замонавий тиббий технологиялар, сунъий интеллект, роботлаштирилган жарроҳлик, онкология, диагностика ва юрак-қон томир касалликларини даволаш бўйича катта тажриба тўпланган.

Бу тажрибалардан энг муҳими Тошкент вилояти учун кадрлар тайёрлаш масаласидир. Нурафшон шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт марказида нейрохирургия, кардиохирургия, неонатал хирургия, трансплантология, ангиохирургия, умуртқа ва бўғимларни протезлаш, онкология каби йўналишларда юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж бор. Шу боис Кёнгидо провинциясидаги етакчи тиббиёт муассасаларида малака ошириш курсларини кенгайтириш бўйича келишувларга эришдик. 2027 йилда бундай малака оширишга жалб этиладиган шифокорлар сонини 20 нафарга етказиш режалаштирилган.

Масалан, Сент-Винсент госпитали 800 ўринга мўлжалланган. Бу ерда ҳар куни беш минг нафарга яқин бемор амбулатор қабулдан ўтади. Юрак-қон томир касалликлари, аритмия, эндокринология, геронтология, онкология, гинекология ва лаборатория-ташхиси каби 20 га яқин йўналишда хизмат кўрсатилади. Эътиборли жиҳати, бўлимларнинг барчасида рақамлаштириш тизими кенг йўлга қўйилган. Бироқ рақамлар ортидаги ҳаётни кўрмасангиз, бу рақамларнинг ўзи ҳеч нарсани англатмайди.

Шихва тиббий маркази ҳам делегацияда катта қизиқиш уйғотди. 500 ўринли муассасада 26 та йўналишда фаолият юритилади. Йил давомида 20 мингдан ортиқ муолажа ўтказилади. Бу ерда бўғимларни протезлаш, ошқозон-ичак эндоскопияси бўлимлари фаолияти билан танишилди. Халқаро туризм бўлимида эса чет эллик беморлар учун яратилган шароитлар кўрсатилди. Демак, тиббиёт бу ерда фақат шифохона деворлари ичидаги жараён эмас. Беморнинг келиши, қабул қилиниши, даволаниши, ахборот олиши ва ўзини хотиржам ҳис қилишигача бўлган барча жараёнга ягона тизим сифатида қаралади.

Вакилларимиз тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи REMED компанияси фаолияти билан ҳам танишишди.

Физиотерапия тиббий ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияда маҳсулотларнинг имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Тиббий ускуналарни қўллаб-қувватлаш ва ўқитиш марказида эса замонавий тиббий технологиялар, сунъий интеллект, роботлаштирилган онкология, диагностика ҳамда юрак-қон томир касалликларини даволашдаги янги ёндашувлар ўрганилди.

Ташриф доирасида Кёнгидо провинцияси раҳбарияти, тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва профессорлари, шунингдек, делегация аъзолари иштирокида «Кёнгидо – Ўзбекистон» MedTech бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Форумда Тошкент вилоятида барпо этилаётган 700 ўринли Нурафшон тиббий кластерининг тақдимоти ўтказилди.

Айни кунларда Кёнгидо провинциясида турли йўналишлар бўйича малака ошираётган 14 нафар мутахассис ҳам форумда иштирок этди. Улар учун ташкил этилган ўқув курслари ва яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Мулоқотлар натижасида бир қатор муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, Нурафшон шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт маркази учун нейрохирургия, кардиохирургия, неонатал хирургия, трансплантология, ангиохирургия, умуртқа ва бўғимларни протезлаш, онкология йўналишларида мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга келишилди.

Шунингдек, форум доирасида вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Кёнгидо провинциясининг етакчи тиббиёт муассасалари ўртасида 3 та ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Нигора ЭРКИНБОЕВА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

НУРОНИЙЛАР ТАШАББУСИ



Яқинда вилоят “Нуроний” жамғармаси бўлими раиси Абдусамад Носиров Бўка туманида бўлиб, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳ раислари ва аъзолари билан учрашди. Суҳбат давомида камбағаллик чегарасидаги оилаларни ўрганиш, уларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳар бир хонадонга индивидуал ёндашиш зарурлиги таъкидланди.

– Юртбошимизнинг видеоселекторда куюнчаклик билан айтган гаплари ҳар бир нуронийнинг қалбига етиб борди, – дейди А. Носиров. – Шу билан бирга зиммамизга катта масъулият юклади. Дарҳақиқат, бу вазифа фақат давлат идоралари ёки маҳалладаги “еттилик”нинг иши эмас. Унда жамиятнинг ҳар бир вакили, айниқса, ҳаёт синовларидан ўтган, кўпни кўрган нуронийлар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Камбағалликни фақат моддий ёрдам билан тугатиб бўлмайди. Аввало, инсоннинг дунёқараши ва кайфиятини ўзгартириш керак. Маҳаллаларда шароити оғир бўлса-да, ҳаракат қилишга ҳаваси йўқ, боқимандаликка ўрганиб қолган оилалар ҳам, афсуски, учрайди. Биз, нуронийлар ана шундай хонадонларга кириб, улар билан суҳбатлашишимиз, ички кучини уйғотишимиз керак. Тўғри йўл кўрсатиш, руҳлантириш ва ҳаракатга келтиришда ҳаётий тажрибамиз асқотади.

Жамғарма раиси билан ўтказилган учрашувдан сўнг ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллаларни ўрганишга чиқишди. Дастлабки манзил туманнинг “Ачамайли” маҳалласи бўлди. Айни кунда маҳаллада 6 минг 440 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 183 нафари ижтимоий реестр рўйхатига олинган.

Ўғилой Каримованинг беш нафар фарзанди бор. Хонадонда қайнона-қайнота ва қайин укаси оиласи билан, жами учта оила истиқомат қилади. Нуронийлар хонадондаги шароит ва эҳтиёжларни ўрганиб, оилага амалий кўмак кўрсатиш чораларини белгилашди. Жумладан, Ўғилой Каримованинг уч нафар мактабга борадиган фарзандларига жамғарма томонидан стол-стул берилиши режалаштирилди.

Суҳбат давомида хонадондаги ҳовли ва томорқадан унумли фойдаланиш, уни тартибга келтириш ва ободонлаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Нуронийлар обод ва сариштa хонадонда файз-барака бўлишини таъкидлаб, оила аъзоларини меҳнат қилишга, томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланишга чақирдилар.

Кейинги манзил маҳаллада истиқомат қилувчи Умида Расулова хонадони бўлди. Бу хонадонда ҳам икки оила яшайди. Умиданинг уч нафар фарзанди бор.

Нуронийлар хонадондаги шароитни ўрганиш асносида тозалик ва ободонлик масаласига алоҳида тўхталдилар. Таъкидланганидек, хонадонга аввал ҳам бир неча бор келиб, оила аъзолари билан тозалик, тартиб ва ободонлик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилган.

Шунингдек, У.Расулованинг қайнотаси Эрмуҳаммад отанинг саломатлиги ҳам эътибордан четда қолмади. У кишини Фарғона вилоятидаги сиҳатгоҳлардан бирига даволаниш учун юбориш бўйича йўлланма ажратиш масаласи кўриб чиқилди.

Туманнинг “Жағалбайли” маҳалласида 3 минг 25 нафар аҳоли истиқомат қилади. 33 нафар фуқаро камбағаллик реестрига киритилган.

Бу ердаги хонадонлар билан мулоқотлар ҳам оддий ҳол сўрашдан иборат бўлмади. Ҳар бир оиланинг шароити, мавжуд муаммолари, имкониятлари ва келгусида даромад топиши мумкин бўлган йўналишларига эътибор қаратилди. Шундай хонадонлардан бири Ёдгора Намозбоева яшайдиган оила. У бир фарзанди билан онаси Зулфия опанинг хонадонига қайтиб келган. Оила вакиллари узоқ йиллар давомида уйсиз, ижарама-ижара кун кечирган. Кейинчалик Ёдгоранинг тоғаси ўз ҳовлисидан жой беради. Икки аёлнинг йиллар давомида жамғарган маблағи, қолаверса, кўпчиликнинг меҳнати эвазига икки хонали уй қад ростлади. Зулфия опа қизи ва набираси билан ўтган ойда янги хонадонга кўчиб ўтишди. Бу хонадон маҳалла томонидан эътибордан четда қолдирилмади. Айни пайтда хонадонга электр энергияси ва ичимлик суви тармоқларини улаш чоралари кўрилмоқда.

Феруза Баратова оиласи ҳам камбағаллик реестрида туради. Хонадонда икки оила истиқомат қилади. Ферузанинг турмуш ўртоғи Толип Жўраев II гуруҳ ногирони. Унинг соғлиғи билан боғлиқ жиддий муаммолари, жумладан, бўғимларидаги хасталик туфайли жарроҳлик амалиётига эҳтиёж бор.

Нуронийлар оиладаги мавжуд муаммоларни тегишли ташкилотларга етказиш ва уларнинг ечимини топиш бўйича амалий чоралар белгилаш зарурлигини таъкидладилар.

Қайд этиш жоизки, суҳбат ва мулоқотлар давомида нуронийлар одамларни руҳан қўллаб-қувватлаб, уларда ишонч уйғотишмоқда. Чунки бир оилага бир марталик ёрдам бериш унинг бугунги эҳтиёжини енгиллатиши мумкин. Аммо оилани камбағалликдан чиқариш учун унга доимий даромад манбаи керак. Нуронийларнинг вазифаси ана шу жараёнда оилалар билан елкадош бўлиш, уларнинг муаммоларини эшитиш, имкониятларини кўриш ва тўғри йўл кўрсатишдан иборат.

“Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими томонидан бу ишлар тизимли ташкил этилиб, хонадонлардаги ўзгариш ва амалий натижалар фотосуратлар асосида тақдим этиб борилмоқда. Бу эса ишларнинг шаффофлиги, натижадорлиги ва назоратини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ”Камбағалликдан фаровонлик сари” йўл бир кунда босиб ўтилмайди. Бунинг учун давлат кўмаги, маҳалла эътибори, жамоатчилик ҳамжиҳатлиги ва, энг муҳими, ҳар бир оиланинг ўз ҳаётини яхшилашга бўлган интилиши зарур.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Муаллиф олган суратлар

▼ Иқтисодиёт

Ҳудудни ривожлантиришнинг навбатдаги босқичида асосий масала кўпроқ ресурс ажратиш эмас, балки мавжуд имкониятларни иқтисодий қийматга айлантириш ва бу жараённи самарали бошқара оладиган тизимни шакллантиришдан иборат.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯ ХАРИТАСИ



Тошкент вилояти мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади. Пойтахтга бевосита туташ ҳудуд, йирик саноат марказлари, транспорт йўлаклари, минерал-хом ашё базаси, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятларининг бир ҳудудда мужассам экани вилоятга катта устунлик беради.

Бироқ бундай устунликнинг иккинчи томони ҳам бор: пойтахтга яқинлик аҳоли ва тадбиркорларнинг инфратузилма, иш ўрни, давлат хизмати ва яшаш сифатига бўлган талабини оширади. Демак, вилоятни ривожлантириш масаласи оддий иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари билан эмас, балки ҳудудлар ўртасидаги тафовутни камайтириш, юқори даромадли иш ўринлари яратиш ва бошқарув қарорларининг сифатини ошириш билан баҳоланиши зарур.

2026 йил 1 апрель ҳолатига вилоятнинг доимий аҳолиси 3 миллион 174,6 минг кишини ташкил этган.

2026 йилда вилоят иқтисодиётини 9,1 фоизга, саноатни 8,8 фоизга, хизматларни 17,2 фоизга, қурилишни 15 фоизга ва қишлоқ хўжалигини 6,6 фоизга ошириш вазифаси белгиланган. Шунингдек, 6,2 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва 2,8 миллиард доллар экспортни таъминлаш режалаштирилган.

Бу кўрсаткичларга эришиш учун мавжуд корхоналар ишлаб чиқаришини ошириш ёки янги лойиҳалар сонини кўпайтиришнинг ўзи етарли эмас. Энг катта захира – ҳали иқтисодий айланмага тўлиқ кирмаган имкониятларни аниқлашда.

Туман ва шаҳарларнинг салоҳиятини сунъий интеллект асосида таҳлил қилиш, саноат, инвестиция ва экспорт бўйича янги имкониятларни аниқлаш ҳамда вилоятда “Рақамли тараққиёт – сунъий интеллект маркази”ни ташкил этиш ташаббуси бошқарув амалиётида принципиал ўзгариш бўлиши мумкин.

Ҳар бир туман бўйича ер ресурслари, электр ва газ қувватлари, сув таъминоти, меҳнат бозори, хом ашё базаси, транспортга яқинлик, мавжуд корхоналар, импорт қилинаётган маҳсулотлар, экспорт имкониятлари ва бўш турган давлат активлари ягона маълумотлар базасида таҳлил қилинса, “қайси туманга қайси лойиҳа керак?” деган саволга анча асосланган жавоб олиш мумкин. Шунда инвестиция лойиҳаси тасодифий таклифдан эмас, аниқ ҳисобланган иқтисодий эҳтиёждан келиб чиқади.

Вилоятнинг муҳим хусусияти – унинг туман ва шаҳарлари иқтисодий жиҳатдан бир-бирига ўхшамайди. Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларида саноат базаси катта бўлса, бошқа ҳудудларда қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш, логистика, хизматлар ёки туризм кенг салоҳиятга эга. Шунинг учун барча туманга бир хил инвестиция режаси ёки бир хил KPI белгилаш самарасиз. Ҳар бир ҳудуд учун алоҳида “иқтисодий ихтисослашув паспорти” шакллантирилиши мақсадга мувофиқ. Унда учта саволга аниқ жавоб бўлиши керак:

ҳудуднинг даромади;

фойдаланилмаётган асосий ресурс ва бозор имконияти;

шу имкониятни ишга туширишга нима тўсқинлик қилмоқда?

Ана шундан кейингина инвестиция, инфратузилма ва кадрлар бўйича қарор қабул қилиниши лозим. Бу ёндашув “Қанча лойиҳа ишга туширилди?” деган ҳисоботдан “Лойиҳа ҳудуд иқтисодиётига қандай қўшимча қиймат берди?” деган баҳолаш тизимига ўтиш имконини беради.

Саноат вилоятнинг асосий устунликларидан бири бўлиб қолмоқда. Миллий статистика қўмитасининг SIAT маълумотларида 2026 йил январь-июль ойлари якунлари бўйича вилоятда саноат маҳсулоти ҳажми 124,8 триллион сўмдан ошгани қайд этилган. Лекин саноат сиёсатида фақат ишлаб чиқариш ҳажмига қараш етарли эмас.

2026 йилда мамлакат миқёсида ҳам саноат кооперациясини кенгайтириш, юқори технологияли ва рақобатбардош маҳсулотлар учун қўшилган қиймат занжирларини яратиш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни йирик корхоналар ишлаб чиқариш занжирига жалб қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу вилоят учун, айниқса, долзарб.

Йирик саноат корхонаси атрофида ўнлаб кичик корхоналар эҳтиёт қисм, қадоқлаш, логистика, сервис, IT, муҳандислик ва бошқа хизматларни кўрсатса, битта йирик инвестиция лойиҳасининг иқтисодий таъсири бир неча баробар ортади.

Агар транспорт, коммунал инфратузилма, ер ажратиш ва рухсат бериш жараёнлари бизнес ўсишидан ортда қолса, пойтахтга яқинлик устунлик эмас, аксинча инфратузилма босимига айланади.

Шу боис агломерацияга яқин ҳудудларда қарорлар туман чегараси билан чекланмаслиги керак. Транспорт, саноат, уй-жой, экология ва хизмат кўрсатишни ўзаро боғланган ҳолда режалаштириш талаб этилади.

Президент раислигида 2026 йил 25 июнь куни ўтказилган йиғилишда ҳам ҳудудлар ўртасида жалб қилинган инвестициянинг иқтисодиётга қайтимида катта фарқ борлиги қайд этилиб, қайси туманда қайси тармоқ юқори самара бериши аниқ ҳисоб-китоб қилиниши кераклиги таъкидланган. Бу жуда муҳим мезон.

Масалан, 100 миллион долларлик икки лойиҳанинг инвестиция ҳажми бир хил бўлиши мумкин. Аммо биринчиси кам сонли иш ўрни яратиб, асосан импорт хом ашёсига боғлиқ бўлса, иккинчиси маҳаллий хом ашёни қайта ишлаб, юзлаб кичик корхонани кооперацияга тортиши ва экспортга чиқиши мумкин.

Рақамда инвестиция бир хил. Иқтисодий натижада эса фарқ жуда катта.

Шу сабабли инвестиция лойиҳаларини баҳолашда камида беш мезон – иш ўрни, қўшилган қиймат, экспорт, маҳаллийлаштириш ва бюджет тушуми ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда очиқ мустақил танлов тизимининг жорий қилиниши, рақамли баҳолаш ва малакали кадрларни саралаш механизмларининг кучайтирилиши бошқарув сифатига бевосита таъсир қилади. 2026 йил июль ойида давлат бошқарувида 87,7 минг нафар давлат хизматчисини қамраб олган ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилгани ҳам маълум қилинди.

2026 йилда вилоятда 883 та маҳаллани камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш, 84,7 минг аҳолини доимий ишга жойлаштириш, 37 минг норасмий иш ўрнини легаллаштириш ҳамда 13,3 минг ишсиз фуқарони касбга ўқитиш вазифаси белгиланган.

Бу вазифаларни бажаришда маҳалла фақат ижтимоий муаммолар қайд этиладиган нуқта эмас, балки иқтисодий маълумотнинг энг муҳим манбасига айланиши мумкин.

Қайси маҳаллада қандай касб эгалари бор? Қайси хонадон ишлаб чиқаришни бошлаши мумкин? Қайси ер ёки бино бўш турибди? Қайси маҳсулотга маҳаллий талаб юқори? Ишсизликнинг аниқ сабаби нима?

Тошкент вилоятида янги имкониятлар етарли. Саноат базаси бор. Пойтахт бозори яқин. Меҳнат ресурси мавжуд. Қишлоқ хўжалиги, туризм, логистика ва хизматлар салоҳияти юқори. Янги инвестициялар кириб келмоқда.

Шунинг учун кейинги босқичда асосий чеклов **ресурснинг йўқлиги эмас, ресурсни қанчалик аниқ кўра олиш ва самарали бошқара олишда** бўлади. Бунинг учун ҳудудий бошқарувда бир нечта принцип устувор бўлиши лозим. Яъни:

маълумотга асосланган қарор;

ҳар бир туман учун аниқ ихтисослашув;

инвестиция миқдори эмас, унинг қайтими;

жараён эмас, натижага боғланган KPI;

очиқ ва профессионал кадрлар сиёсати;

маҳалладан вилоятгача ягона рақамли мониторинг;

ҳамда раҳбарнинг шахсий масъулияти.

Янги имкониятларни аниқлаш-доимий ишлайдиган бошқарув механизмига айланади. Тошкент вилоятининг мавжуд салоҳиятини янги тараққиёт имкониятларига, имкониятларни эса барқарор иқтисодий натижа ва аҳоли фаровонлигига айлантириш мумкин.

Азиз АДИЛОВ,
Бошқарув самарадорлиги агентлиги Тошкент вилояти филиали етакчи инспектори

▼ Халқаро ҳамкорлик

Бугун дунё иқтисодиётида мамлакатнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг халқаро ҳамкорлик имкониятлари, инвестициявий жозибадорлиги ва замонавий технологияларни жалб эта олиш салоҳияти билан белгиланмоқда. Шу маънода, Ўзбекистонда хорижий инвесторлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР

Инвестициянинг ҳақиқий самараси – рақамларда эмас, яратилган иш ўринлари, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва аҳоли фаровонлигида намоён бўлади



Тошкент вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2026 йилда вилоятда жами 6,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган. Шундан 4 миллиард доллар ҳудудий лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади. Ҳудудий инвестицияларнинг 2,2 миллиард доллари манзилли, 1,8 миллиард доллари эса истиқболли лойиҳалар доирасида ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар орасида Янгийўл шаҳридаги «Southhub» масъулияти чекланган жамияти томонидан алкоголсиз ичимликлар, бутилкаланган минерал сув ва бошқа турдаги ичимлик сувларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа доирасида 2026 йилнинг январь-июль ойларида 38,8 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бундай лойиҳаларнинг аҳамиятини фақат инвестиция ҳажми билан ўлчаб бўлмайди. Улар янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий хом ашё ва ресурслардан самарали фойдаланиш, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, энг муҳими, ишлаб чиқариш маданияти ва технологияларини янгилашга хизмат қилади.

Ҳамкор давлатлар кесимидаги рақамларга назар ташласак, Хитой 169 та лойиҳа доирасида 996,1 миллион долларлик инвестиция билан етакчилик қилмоқда. Туркия иштирокидаги 23 та лойиҳа доирасида 190,3 миллион доллар, Россия иштирокидаги 21 та лойиҳа доирасида эса 123,6 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган. Бошқа давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 76 та лойиҳа ҳисобига 500,5 миллион доллар маблағ жалб қилинган. Умуман, ҳисобот даврида 289 та лойиҳа доирасида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Ҳудудлар кесимида ҳам салмоқли натижалар кузатилмоқда. Зангиота туманида 118,2 миллион доллар, Чирчиқ шаҳрида 112,5 миллион доллар, Олмалиқ шаҳрида 110,2 миллион доллар, Янгийўл туманида 109,1 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Юқори Чирчиқ туманида бу кўрсаткич 105,8 миллион доллар, Бўстонлиқ туманида 104,5 миллион доллар, Нурафшон шаҳрида 101,6 миллион доллар ва Оҳангарон туманида 100,3 миллион долларни ташкил этди. Саккизта ҳудудда хорижий инвестициялар ҳажмининг 100 миллион доллардан ошгани, албатта, эътиборга молик натижа. Бироқ инвестицияларнинг ҳақиқий самараси уларнинг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланиши билан ҳам боғлиқ. Шу боис инвестиция жалб қилиш кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган шаҳар ва туманларнинг имкониятларини чуқур ўрганиш, ҳар бир ҳудуднинг табиий ресурслари, инфратузилмаси, меҳнат салоҳияти ва бозор имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ инвестиция таклифларини шакллантириш муҳим.

Депутат сифатида, ҳар бир инвестиция лойиҳасининг натижадорлигини баҳолашда яратилган иш ўринлари, маҳаллийлаштириш даражаси, экспорт ҳажми, энергия самарадорлиги, экологик талабларга риоя қилиниши ва замонавий технологияларнинг жорий этилганига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман. Зеро, инвестициянинг энг катта қиймати – унинг инсон ҳаётидаги акс-садосида кўринади. Янги корхона ишга тушдими – демак, янги иш ўрни пайдо бўлиши керак. Янги технология киритилдими – маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлиги ортиши лозим. Экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарилдими – демак, ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти яна бир поғона юксалиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида аҳоли манфаатлари, уларнинг ҳудуд инфратузилмасига таъсири, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар ҳам депутатлик назоратининг муҳим йўналишларидан бири бўлиши лозим.

Сентябрь ойи якунига қадар тегишли тармоқлардаги лойиҳалар бўйича лойиҳабай ишлашни самарали ташкил этиш ва белгиланган прогнозларнинг бажарилишини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бунинг учун масъул ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ҳар бир лойиҳанинг ижросини мунтазам таҳлил қилиб бориш зарур. Зеро, инвестиция – ўз-ўзидан натижа эмас. У натижага айланиши учун унга аниқ мақсад, масъулият, замонавий технология ва самарали бошқарув ҳамроҳ бўлиши керак. 2026 йилнинг январь-июль ойларида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича прогнознинг 135 фоизга бажарилгани, 289 та лойиҳа доирасида маблағлар ўзлаштирилгани ҳудудда инвестициявий фаоллик юқори эканини кўрсатмоқда. Эндиги вазифа – бу рақамларни иқтисодий ва ижтимоий самарага айлантириш. Чунки ҳар бир жалб қилинган инвестиция ортида янги иш ўрни, янги маҳсулот, янги технология, янги бозор ва, энг муҳими, инсон учун янги имконият туриши керак.

Саидмухтор САИДНУРИДИНОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати

▼ Жараён

БОЗОР САРИ РАҚАМЛИ ҚАДАМ

Ёки Тошкент вилояти тадбиркорлари учун электрон тижоратнинг янги имкониятлари



Бугун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас. Уни харидорга тез, қулай ва кенг кўламда етказиш ҳам тадбиркорлик муваффақиятининг муҳим шартига айланмоқда. Илгари савдо дўкон, бозор ёки ярмарка билан чегараланган бўлса, бугун интернет орқали бир маҳсулотнинг харидори бир туман ёки вилоят эмас, бутун мамлакат, ҳатто хориж бўлиши мумкин.

Шу маънода электрон тижорат – шунчаки замонавий савдо усули эмас, балки кичик ва ўрта бизнес учун янги бозорларга чиқиш имконини берадиган муҳим воситадир.

Ўтган ҳафтада Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Тошкент вилояти филиали ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган “Ўзбекистонда электрон тижорат орқали кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш имкониятлари” мавзусидаги ўқув-амалий семинарда ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда вилоятда фаолият юритаётган 200 нафардан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари иштирок этишди.

Маълумки, Тошкент вилояти – мамлакатимизнинг йирик саноат ва тадбиркорлик ҳудудларидан бири. 2026 йил январь–июнь ойларида вилоятда 100 триллион сўмдан зиёд саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Шу даврда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 25,3 триллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилгани кичик бизнеснинг ҳудуд иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ички савдода ҳам кичик бизнеснинг ўрни сезиларли. Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо айланмаси 18,43 триллион сўмни ташкил этди.

Бу рақамлар ортида минглаб тадбиркорлар, иш ўринлари, оилалар даромади ва бозорга таклиф этилаётган турли хил маҳсулотлар турибди. Энди масала – ана шу катта ишлаб чиқариш ва савдо салоҳиятини рақамли имкониятлар билан уйғунлаштиришда. Зеро, яхши маҳсулотнинг бозори кенг бўлиши учун унинг харидори қаердалигини билиш ва унга етиб бориш керак.

Семинарнинг асосий мақсади ҳам тадбиркорларни электрон тижоратнинг замонавий воситалари билан таништириш, маҳсулотларни онлайн савдога олиб чиқиш бўйича амалий кўникмаларини ошириш ва маҳаллий маҳсулотларни янги бозорларга чиқариш имкониятларини кенгайтиришдан иборат бўлди.

Иштирокчиларга маркетплейслар орқали савдони ташкил этиш, электрон платформаларда сотувчи – seller сифатида ишлаш, маҳсулотни онлайн савдога тайёрлаш, маҳсулот карточкасини шакллантириш, сифатли фото ва тавсиф тайёрлаш каби муҳим жиҳатлар тушунтирилди.

Чунки интернетда маҳсулотни шунчаки жойлаштиришнинг ўзи кифоя эмас. Харидор биринчи навбатда унинг суратига, тавсифига, нархига, сифатига ва бошқа харидорларнинг фикрларига эътибор беради.

Шу боис семинарда нарх белгилаш, рақобат муҳитини таҳлил қилиш, харидорларнинг фикр-мулоҳазалари ва рейтингларидан самарали фойдаланиш, рақамли реклама ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали мижозларни жалб қилиш, сотув натижаларини таҳлил этиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Электрон савдо платформаси мисолида онлайн савдони ташкил этишнинг амалий жиҳатлари кўрсатиб берилгани эса иштирокчилар учун назарий маълумотдан кўра кўпроқ амалий аҳамият касб этди.

Тошкент вилоятида электрон тижоратни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Озиқ-овқат, тўқимачилик ва кийим-кечак, мебель, қурилиш материаллари, маиший товарлар, кимё саноати маҳсулотлари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар электрон савдо платформалари орқали кенг истеъмолчиларга таклиф этилиши мумкин.

Бунда оддий, аммо муҳим занжир шаклланади:

маҳсулот ишлаб чиқариш → онлайн платформага жойлаштириш → янги харидорни жалб қилиш → янги бозорга чиқиш → экспорт имкониятини кенгайтириш.

Бу занжирнинг ҳар бир бўғини тадбиркор учун янги имконият демакдир. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун электрон тижоратнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у катта савдо инфратузилмасига эга бўлмаган ҳолда ҳам маҳсулотни кенг аудиторияга тақдим этиш имконини беради. Шу маънода Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Тошкент вилояти филиали томонидан бундай ўқув-амалий семинарларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Зеро, замонавий тадбиркорга фақат молиявий имконият ёки ишлаб чиқариш қуввати эмас, янги билим, рақамли кўникма ва бозорни ҳис қилиш қобилияти ҳам зарур. Бугунги рақобат муҳитида ким харидор талабини тезроқ англаса, маҳсулотини унга қулайроқ шаклда таклиф этса ва янги бозорларга тезроқ чиқса, ўз фаолиятини кенгайтириш учун янги имкониятларга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, электрон тижоратни ривожлантириш – тадбиркорлик субъектларига замонавий билим бериш билан бир қаторда, Тошкент вилоятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозорини кенгайтириш, уларни янги ҳудудий ва хорижий истеъмолчиларга етказишга хизмат қиладиган муҳим йўналишлардан биридир.

Бугун маҳсулот корхонада яратилади. Эртага унинг харидори дунёнинг исталган нуқтасидан топилиши мумкин. Бунинг учун эса бозорга олиб борадиган рақамли эшикни очиш керак.

Эркин ОДИЛОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Тошкент вилояти ҳудудий филиали раҳбари

▼ Эълонлар

ЭПИЛЕПТИК ЛАБОРАТОРИЯ КОМПЛЕКСИНИ ХАРИД ҚИЛИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ

Ташкилот эҳтиёжи учун 4 та палатага мўлжалланган эпилептик лаборатория ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Эпилепсияни диагностика қилиш, мониторингдан ўтказиш ва операциядан олдинги баҳолаш учун мўлжалланган замонавий тиббий-техник ускуналар комплекси таркибига қуйидагилар киради:

- видео-ЭЭГ мониторинг тизими;
- видеокузатув камералари;
- фотостимулятор;
- компьютер техникаси;
- мониторлар;
- тармоқ ускуналари;
- кортикал/интракраниал стимуляция қурилмалари;
- зарур сарф материаллари.

Ишлаб чиқарувчи: Micromed S.p.A. / Natus.
Келиб чиқиш мамлакати: Италия / АҚШ.
Кафолат муддати: 24 ой.
Таклифнинг амал қилиш муддати: 60 кун.
Умумий қиймати: 435 000 (тўрт юз ўттиз беш минг) евро.

Мазкур тиббий ускуналар комплекси эпилепсия касаллигини замонавий усулда диагностика қилиш, беморларни узоқ муддатли мониторингдан ўтказиш ҳамда даволаш тактикасини белгилаш имконини беради.

Қўшимча маълумот олиш учун Миллий тиббиёт марказига мурожаат қилинг.

“ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СУВ ТАЪМИНОТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2026 йил 16 сентябрдаги VII-43-127-10-0-K/26-сонли қарорига асосан, 2026 йил 3 октябрдан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва оқова хизматлари нархлари ўзгаришини маълум қилади.

Т/р	Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) (сўм)	Амалдаги нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)
Ичимлик сув етказиб бериш нархи					
1	Аҳолига (1 м³ учун)	2 600	2 912	3 100	3 472
2	Бюджет ташкилотларига (1 м³ учун)	15 000	16 800	16 000	17 920
3	Улгуржи ташкилотларга (1 м³ учун)	15 000	16 800	16 000	17 920
4	Бошқа улгуржи ташкилотларга (аҳоли нархида) (1 м³ учун)	2 600	2 912	3 100	3 472
Оқова сув хизмати нархи					
5	Аҳолига (1 м³ учун)	1 300	1 456	1 500	1 680
6	Бюджет ташкилотларига (1 м³ учун)	3 000	3 360	4 000	4 480
7	Улгуржи ташкилотларга (1 м³ учун)	3 000	3 360	4 000	4 480
8	Бошқа улгуржи ташкилотларга (аҳоли нархида) (1 м³ учун)	1 300	1 456	1 500	1 680

Эслатма: ҳисоблаш ускуналари бўлмаган ҳолатларда совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентни татбиқ этиш билан амалга оширилади.

«Тошкент вилояти сув таъминоти» АЖ

Toshkent viloyati “Sanoat zonalarini boshqarish direksiyasi” DM tomonidan Toshkent viloyatida joylashgan sanoat zonasi hududlarini kompleks obodonlashtirish, jumladan, asfalt qoplamalar va yo'lakchalar yotqizish, shagallashtirish va obodonlashtirish bo'yicha loyiha-smeta hujjatlari va 3D dizayn konsepsiyasini ishlab chiqish bo'yicha tijoriy takliflarga 3 kunlik qabul boshlandi.
Batafsil ma'lumot uchun tel.: 99-765-79-99.

“МИКОНДЧИ” боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида

Ҳурматли “МИКОНДЧИ” БУШ аъзолари!

2026 йил 4 октябрь соат 10.00 да ширкатнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартибида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. “МИКОНДЧИ” БУШ раиси А.Самиговнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.

2. 2025 йил 29 июндаги ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши таъминланиши бўйича ҳисобот.

3. “МИКОНДЧИ” боғдорчилик-узумчилик ширкатининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

4. Ширкатнинг янги таҳрирдаги Уставини белгиланган тартибда давлат хизматлари марказлари томонидан давлат рўйхатидан қайта ўтказиш.

5. Ширкат ҳудудидаги ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш.

6. “МИКОНДЧИ” БУШ раисини сайлаш.

7. Ширкат фаолиятига боғлиқ турли масалалар.

“МИКОНДЧИ” боғдорчилик-узумчилик ширкати аъзоларининг маълумотларини янгилаш тўғрисида (такроран)

Ҳурматли “МИКОНДЧИ” БУШ аъзолари!

Ширкат аъзолари маълумотлар базасини янгилаш учун барчангиздан паспорт, тураржой (прописка) ва ЖШШР (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами) ёки СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами) маълумотларини “МИКОНДЧИ” БУШ ширкатига тақдим этишингизни сўраймиз.

Боғланиш учун телефон рақамлари: +998 93-579-88-72, +998 93-599-52-52.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Халқобод қ.ф.й., Бобур номли маҳалла.

TOSHKENT HAQIQATI

Ижод ва маҳорат МАКТАБИ

Бугун ахборот майдони ҳар қачонгидан ҳам тезкор ва серқирра. Ҳар бир хабар сониялар ичида миллионлаб аудиторияга етиб бораётган бу давр журналистдан нафақат тезкорлик, балки юқори касбий маҳорат, кенг дунёқараш, холислик ва сўз масъулиятини талаб этмоқда.







▼ Учрашув

Айниқса, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги пайтда журналистикада ҳаётни ҳис қилиш, воқеликни тўғри англаш ва уни ҳаққоний ифода этиш заруратини туғдирмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимида бўлиб ўтган ижодий учрашув ҳам соҳадаги муҳим ташаббуслардан бири сифатида эътиборни тортди. Устоз журналистлар, соҳа фахрийлари ва журналистикага қизиқувчи ёшларни бир даврага жамлаган мазкур мулоқот самимий суҳбат, тажриба алмашиш ва ижодий изланишлар учун ўзига хос мулоқот майдонига айланди.

Учрашув «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят Ёшлар иттифоқи Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари Дилшод Бўриев, «Янги Ўзбекистон» газетаси бўлим бошлиғи Холмурод Салимов, «Нурафшон ТВ» телеканали директори Олимжон Бегалиев, вилоят матбуоти фахрийлари, тажрибали журналистлар ҳамда соҳада яқинда иш бошлаган ёшлар иштирок этишди.

Учрашувни очиб берган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари Раҳматилла Шералиев бундай мулоқотдан асосий мақсад – устоз ва шогирд ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, ёш қаламкашларга амалий кўмак бериш, уларни касбнинг сир-асрорлари билан яқиндан таништириш эканини таъкидлади.

Шунингдек, мулоқотда журналист касбининг масъулияти, ижодий изланишнинг машаққатли ва шарафли йўли ҳақида ҳам фикр алмашилди.

– Бугун замонавий технологиялар, хусусан, сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш билан бир қаторда, миллий журналистика мактабининг бой анъаналарини асраб-авайлаш, устозларнинг кўп йиллик тажрибасини ёш авлодга етказиш муҳим, – дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси ўринбосари Дилшод Бўриев. – Шу мақсадда Тошкент вилоятида «Маҳорат мактаби»нинг ташкил этилгани айни муддао бўлди. Зеро, технология восита бўлиши мумкин, аммо журналистнинг қалби, кузатувчанлиги, ҳаётни англаш қобилияти ва сўзга муносабати унинг касбий қиёфасини белгилайди.

Тажрибали журналист Холмурод Салимов ёш ҳамкасбларига мурожаат қилар экан, ижод жараёнида ҳар бир сўзга эҳтиёткорона ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Журналистнинг ҳар бир чиқишида ижтимоий масъулият, воқеликни холис ва ҳаққоний ёритиш бош мезон бўлиши лозимлигига эътибор қаратди.

Бу фикрлар бугунги ахборот оқими шиддатли тус олган шароитда, айниқса, муҳим. Чунки журналистнинг бир оғиз сўзи жамоатчилик фикрига таъсир қилиши, бир мақола эса муайян муаммонинг ечимига туртки бериши мумкин. Шу боис қалам эгасидан билим билан бирга масъулият ҳам талаб этилади.

Ижодий учрашув доирасида «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бош муҳаррири Тўхтамурод Ҳасанбоевнинг «Ҳақиқат чойхонаси» китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Китобдан муаллифнинг публицистик мақолалари, ҳаётий кузатувлари, журналистик изланишлари ўрин олган.

Тақдимотда асарнинг мазмун-моҳияти, унда акс этган ҳаётий воқеалар ва мулоҳазалар, муаллиф ижодининг ўзига хос қирралари ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси сафига қабул қилинган бир гуруҳ журналистларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

– Журналистика соҳасида иш бошлаганимга 15 йил тўлди, – дейди "Олмалиқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Дилфуза Рўзиева. – Бу оддий ҳужжат эмас, балки касбий фаолиятимиздаги янги босқич, масъулият ва ишонч белгиси сифатида аҳамиятлидир. Ёш журналистларнинг уюшма сафига кириб келаётгани вилоят медиа маконида янги авлод вакиллари кўпаяётганидан далолат беради. Уларнинг билим ва тажрибасини ошириш, ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, устозлар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш эса бугуннинг муҳим вазифаларидан.

Учрашув якунида ёш ижодкорлар иштирокида қизғин мушоира ташкил этилди.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Меҳриддин ИБРАГИМОВ олган суратлар

Бадиҳа

"Чолиқуши"нинг муҳаббатга ташналиги







Ўйлаганимдай бўлди. Уни кўрсам танимасам керак, деган хаёлда эдим. Рости, қаршимда мутлақо бошқа аёлни кўриб, ҳайрон қолдим. Зўр бериб, унинг кўзларидан ўзимга таниш, севимли ва қадрдон жилвани, маъсумликни, мунисаликни ахтара бошладим. Афсус, қанчалик термулмай, кинодаги Фериденинг нигоҳларини таний олмадим. Кейинроқ суҳбат чоғида ҳамма нарса аста-секин жойига туша бошлади. Кулгулар, жилмайишлар, хаёлга чўмишлар, Феридедаги назокат Ойдан Шанер хонимнинг юзига, кўзларига бирма-бир балқиб чиқди.

Анқарада ўн беш кун юриб, туркчани анча ўрганиб олгандим. Илтифотга тўла илиқлик билан ҳол-аҳвол сўрадим.

– Ийи гунлер!

– Ийи гунлер!

– Чўқ ташаккур, хоним афанди!

– Соғ бўлинг. Бура қач галдиниз?

– Пазарэртаси ақшам.

Шу билан бисотимдаги сўзлар тугади. Ўртага таржимон аралашди. Лекин Ойданнинг сўзларини англаб турардим. Таржимон то учрашгунимизгача бўлган воқеаларни айтиб берди.

Гап шундаки, Анқара Туркия пойтахти бўлгани билан санъаткор, ёзувчи, шоирларнинг бари Истанбулда яшар экан. Истанбулда эса бор-йўғи бир кунгина бўлиш кўзда тутилган эди. Режамизда машҳур турк қўшиқчиси Иброҳим Тотлисас билан учрашув тургани учун зўр бериб, Ойдан хонимни излай бошладик. Уйига кечқурун 8.00 да телефон қилдик. Йўқ, 10.00 да йўқ. Уяли телефон ўчирилган. 12.00 да йўқ. Телефонни ҳар гал унинг 10-11 ёшлардаги қизи кўтаради. "Афандим, – дейди майингина. – Буюринг!" Биз онасини сўраймиз. У онаси кеч қайтишини айтади. Шундай қилиб, эртаси куни кундузи соат 12.00 да Ойдан хоним уйқудан уйғониб, телефонни кўтарди.

– Буюринг! Мерҳаба!

Бизнинг эса 18.30 да самолётимиз осмонга кўтарилиши, 17.00 да аэропортда бўлишимиз, 16.00 да машина меҳмонхонадан олиб кетиши керак. Хуллас, вақт тиғиз. Телефонда ёлворишга тушамиз:

– Студияга келақол, Ойдан! Биз сени интизор кутяпмиз. Икки оғиз суҳбатлашишимиз керак. Йўқ дема!



Вақтимиз зиқ. Ойдан гўзал Ойданхон!

Шеър ўқиймиз:

Мен йўқсил не бўлиб, уни суйибмен,
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен.
Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен,
Мен суйиб, мен суйиб, кимни суйибмен?
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзаллар, кундан-да гўзал...

Таржимон, Абдулҳамид Чўлпоннинг ушбу шеъри маъносини, муҳаббат ва эҳтиросга тўла сўзлар қаътидаги эҳтиромни Ойданга бажонидил айтиб беради. Манзиратимиз хуш ёққан Ойдан биз томон мамнун ўгирилганча:

– Сўранг-чи, мен ўйнаган яна қайси фильм Ўзбекистонда қўйилган экан? – деб илтифот билан қарайди.

Мен "Бошқа киноингиз қўйилмаган" ишорасини қилиб, ихтиёрсиз афсусланган бўламан. Ойдан қаттиқ ўкиниб, лабларини тишлаб қолади. Орага жимлик чўкади.

– Нечта кинода ўйнагансиз?

– Ўндан ортиқ.

– "Чолиқуши" нечта давлатда қўйилган?

– Шарқ давлатларининг деярли ҳаммасида. Осиё, Оврўпада ҳам. Американи билмадим.

– Голливудга таклиф этишса, борармидингиз?

– Йўқ. Туркиянинг ўзидан таклифлар жуда кўп. Роллардан, меҳнатдан деярли бўшамайман. Лекин Голливуд ҳақиқатан ҳам кинонинг буюк ижодхонаси. Кино санъатининг энг етук даргоҳи. Голливудни ҳамма актёр орзу қилади. Мен ҳам. Лекин…

Ойдан хоним жилмайиб елка қисди.

– Кино оламига қандай кириб келгансиз?

– Мен асли мусиқа ўқитувчисининг қизиман. 18 ёшимда "Туркия гўзали" танловида қатнашиб, биринчи ўринни олдим. Кейин суратимни ҳамма газета ва журналлар чоп эта бошлади. Шу суратлардан бири "Чолиқуши"нинг режиссёри қўлига тушиб, фильмга таклиф этди. Ва ўзим кутмаганда, 1986 йил ушбу кино катта экранда намойиш этилиб, кўпчиликка манзур бўлди. Бир кунда миллионлар танийдиган инсонга айландим. Кинода 18-20 ёшимда суратга тушганман. Мана, орадан шовуллаб қанча йиллар, баҳорлар, кузлар кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Феридедан олдин бор-йўғи битта фильмда роль ўйнагандим.

– Сиз ўзингиз ҳаётда "Чолиқуши"га ўхшайсизми?

– Ҳа, кўп жиҳатдан ўхшайман. Мен ҳам у каби кўп қийналдим. Заҳматлар, туҳматлар ва охир-оқибат ҳаётимдаги жабру жафолар, оиламдаги келишмовчиликлар, хиёнатлар, ўтли висол ва оғриқли айрилиқлар… Булар бари менга Феридени ёдга соладди.

– Камронбек билан кўришиб турасизми?

– Уни кўрмаганимга ўн йил бўлди. Лекин яқинда бир кинода бирга ўйнамоқчиман.

– Фериденинг муҳаббатига қандай муносабат билдиришингиз мумкин?

– Бундай муҳаббат фақат орзу бўлиб қолди. Қанийди, ҳозирги замонда шундай муҳаббат бор бўлса… Қанийди… Бу менинг орзуим. Ундай муҳаббатни энди учратиш қийин...

– Наҳотки сиздай аёл муҳаббатга зор бўлса?..

– Инсон, у ким ва қандай мартабада бўлишидан қатъи назар, барибир муҳаббатга интиқ бўлади. Мен эса Фериде каби оддий ва соддаман. Аммо буюк муҳаббат олдида ожизман. Мана ожиз ва лол қолганча яшаяпман. Бошимда мингта синов. Аммо, чидаяпман, қийинчиликлардан қўрқмайман.

– Ўзбекистон ёшлари ҳақида нималарни биласиз?

– Афсуски, жуда кам нарсани. Лекин сиз айтгандай, "Чолиқуши"-ни яхши кутиб олишган бўлса, демак, улар мен каби Феридени яхши кўришади. Мен эса Феридени яхши кўрган ҳар бир инсонни яхши кўраман. Умуман олганда, Ўзбекистон – ота боболаримиз юрти. Биз ўзбекистонлик қардошларимизни севамиз. Уларга саломлар ва таъзимлар. Уларга туганмас ташаккуримни, меҳру муҳаббатимни, қалбан қадрдонлигимни етказинг.

– Агар ўзбекистонлик киночилар роль таклиф қилишса борасизми?

– Мен Тошкентни, Самарқандни кўришни истайман. Фақат киносценарий яхши, кўнглимдагидай бўлса, албатта бораман.

– Бугунги турк аёллари қандай?

Ойдан жавоб ўрнига шарақлаб кулади. Ўзини кўрсатади.

– Мана турк аёли. Мен турк аёлига ўхшайманми? Ўша сиз танимай қолган турк аёлига…

(Албатта, саволга жавоб қисқароқ бўлгани учун ўша кун биз туширган Ойдан хонимнинг суратига қараб, ўзингиз жавоб топсангиз бўлади.)

Биз Оврўпа ва Осиёни боғлаб турган Истанбул кўрфази бўйларида анча вақтгача айланиб юрдик. Соат миллари 16.00 га яқинлашарди. Дастхат олдик. Унинг суҳбатига тўймадик. У дилдорлик билан хайрлашишга қўл чўзди. Машинасигача кузатиб қўйдим.

– Қизингизни ўпиб қўйинг, – дедим.

У ҳам:

– Мени севгувчиларнинг барчасига туганмас саломимни етказинг, – деди.

Хайрлашдик. У машинасини кўприкдан Оврўпа томонга елдай ҳайдаб кетди.

Мен эса Осиё қирғоқларида қўл силтаб қолдим.

Муҳаммад ИСМОИЛ

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay'ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, G'afurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, G'ayrat SHERALIYEV, Kumush EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
To'xtamurod HASANBOYEV

Navbatchi:
Nigora O'ROLOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Qabulxona: (55) 520-64-95. **Bosh muharrir o'rinbosari:** (55) 520-04-10.
Mas'ul kotib: (55) 520-05-10. **Bo'lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 18:30. Nashr ko'rsatkichi – 205.
6 882 nusxada chop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-935.
Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A–2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6